

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

РАНГ-ТУС БИЛДИРУВЧИ СИФАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

Муаттар Хирожиддинова,
Таянч докторант

Аннотация:

мазкур мақолада она тили таълимида ранг-тус билдирувчи сифатлардан “қора” сўзини ўрганиш ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: лингвопоэтика, лингвистика, ранг билдирувчи сўзлар, денотация, коннотация, ўз маъно, кўчма маъно, таъсирчанлик, баҳолаш, ижобий, салбий, руҳият.

Аннотация:

в данной статье речь идёт об изучение цветообразующие слова “қора” (чёрный) в уроках родного языка.

Калит сўзлар: лингвопоэтика, лингвистика, ранг билдирувчи сўзлар, денотация, коннотация, собственные значение, коннотативное значение, влияние, оценить, положительное, отрицательное, психика

Annotation:

This article gives information about studying of “black” color representing word on native language textbook.

Key words: lingvopoetics, linguistic, color-representing words, black, denotation, connotation, own meaning, extra meaning, sensitivity, grading, positive, negative, psyche.

Мақтаб она тили таълимида сифат туркумига доир сўзлар кенг ўрганилади. М.Содиқованинг “Ҳозирги ўзбек тилида сифат” монографиясида сифат сўз туркумининг морфологик, лексик ва семантик белгилари атрафлича тадқиқ қилинган. [1, 128] Хусусан, унда баён этилишича, сифат категориясининг предмет, ҳолат ва воқеа-ҳодисанинг белгисини билдиради. Сифатларнинг тузилишига кўра турлари ва уларнинг номланишига оид қайдлар, уларнинг қадимги туркий тилларда истифода этилиши, қариндош тиллардаги



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

вариантлари ҳам ушбу монографияда бугунги кунда кенг истеъмолда бўлган атамалар билан тадқиқ қилинган. [1, 3-128] Сифат ва от муносабатлари, айрим сифатларнинг от вазифасида келиши, равишлар ўрнида қўлланиши, сифатларнинг маъно қирраларини - маълум предмет, воқеа-ҳодиса-ҳолатларнинг белги хусусиятларини билдиришидаги мавқеи қисман ёритилмай қолгандек таассурот қолдиради [1, 3-9] Ҳолбуки, сифат сўз туркумига дахлдор масалалар тилшуносликда анчагина. Айниқса, ранг-тус билдирувчи сифатлар ва уларнинг коннотациясини ўрганиш, бу жараёнда турли хил тиллар билан қиёслаб бориш, бадий асарларда қўлланиши ҳақида маълумотлар бериш ҳам муҳим саналади. Бу орқали ўқувчиларнинг нафақат сифат ҳақидаги билим ва кўникмалари, балки уларнинг лексема мақомидаги маъно товланишлари, бошқа тиллардаги муқобиллари, бадий асар лексиконидаги иштироки ҳақида ҳам тасаввурларга эга бўлади.

Сифат сўз туркуми ва улардаги ранг-тус билдирувчи сўзларнинг турли кўринишлари, маъно товланишлари, бадий ва илмий асарлар тилидаги муқобиллари хусусида бир қатор илмий тадқиқотлар яратилган. [1,3-10] Бирок айни шу мавзуда дарс ўтилганида масаланинг зикр этилган тадқиқотлар ва ушбу мақолада баён этилажак жиҳатлари ўқитувчилар назаридан кўпроқ четда қолиб кетади. Бунинг сабаби анчагина. Биринчидан, сифат сўз туркумининг морфологик белгиларини кўрсатиб, шулар атрофидагина сўз юритиш билан кифояланиш. Иккинчидан, ранг-тус билдирувчи сифатларнинг коннототив частотасини ўқитувчининг ўзи томонидан тўлиқ ўзлаштирмаганлик ва буларнинг дарс жараёнида ортикча деб билиш. Учинчидан, бадий асар тилида унинг турли шаклларининг қўлланиши, тил фанининг бадий адабиёт намуналари тили билан интеграцияси, ва ниҳоят, ранг-тус билдирувчи сўзларнинг бошқа туркийзабон тиллардаги вариантлари ҳақида маълумот бермаслик. Буларни билмаслик ёхуд дарс жараёнига татбиқ этмаслик, билган ҳолда ўқувчи шуурига етказмаслик масаланинг кемтик бўлиб қолишига сабаб бўлади ёки тил дарсининг янада қизиқарли чиқишига монелик қилади.

Хўш, унда ранг-тус билдирувчи сифатларнинг тилимиз, қариндош тиллар ва бадий тилдаги вариантларини қай тарихи дарс жараёнига татбиқ этиш мумкин? Фикримизнинг исботи учун ранг-тус ифодаловчи битта сўзни - “қора” сўзини тарихий ва этногенетик шакллари, қариндош тилларда қўлланиши ва бадий тилдаги маъно қирралари хусусида сўз юритайлик.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Ранг-тус ифодаловчи “қора” сўзининг асл маъносида ранг-тус туради. Тўғрироғи, кўмир, мўм, қурум, қорақуя сингари предметлар туси қора сўзи билан ифодаланади. Бу сўз тилимизда кенг қўлланадиган оқ сўзининг зидди ҳисобланади. Мазкур сўз тилимиз луғат фондининг энг қадимги ва энг кўп истифода этилган асосий сўзларидан саналади. Б.Бафоев бир мақоласида “қора” сўзининг ибтидосини Ўрхун-Энасой битиклари билан боғлайди: *Qara orguk juyjarumazqan tidu odman kormang urkitting// Қора нўнишак ҳатто бир йилда ҳам ўзгармайди.* [2, 186]

Б.Бафоевнинг кўрсатишича, қадимги ёдгорликларда ушбу ранг номи бошқа ранг номларига нисбатан кўп қўлланган. Уларнинг миқдори ўндан ортиқ. Булар яқка ҳолда ёки отли бирикмалар таркибида келганлиги билан характерланади:

қара	“қора ранг” маъносида
қара будун	оддий халқ маъносида
қара булунг	жой номи, топоним маъносида
қара қум	топоним, маълум воҳа маъносида
қара кўл	денгиз номи, гидроним маъносида
қара тургус	элат номи маъносида
қара тер	қора тер, оғир меҳнат маъносида

Кейинчалик “Девону луғатит турк” битикларида учрайди: *Қара тунугг кэчурсадим, Агип уни учурсадим// Қоронги кечанинг ўтишини истадим, Огир уйқуни қочирини истадим* ва ҳоказо. Бундан ташқариш бу сўз мазкур асарда қора ранг маъносида (қара), ҳар бир қора нарса (қара), Ҳоқоний подшолар маъносида (Бўгра қара хақан), қирғий маъносида (қарақуш), Муштарий сайёраси маъносида (Қарақуш), туя оёғининг таг атрофлари маъносида (қарақуш), гўр, қабр маъносида (қараўрун), қулларга берилган ном маъносида (қарабаш), заҳарли бир ўт, майса маъносида (қараўт), қорамой, қораёғ маъносида (қаражағ), жой номи маъносида (Қорасангир), бир хил ном маъносида (қара-қура) келади. [2,188]



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

“Қора” сўзининг туркий тиллардаги вариантлари тубандагича:

Ўзбек тилида	қозок, қирғиз ва б. шу каби тилларда	озорбайжон, туркман тилларида	хакас, мўғул тилларида	чуваш тилида
<i>қора</i>	<i>қара</i>	<i>гара</i>	<i>хара</i>	<i>хура</i>

“Қора” сўзи ранг билдириши билан бир қаторда, ранг билдирувчи бошқа сўзлар билан келиб, муайян рангнинг қўшимча кучайтиргич маъноларини ҳам ифодалашга хизмат қилади: тўқ қизил маъносида (*қора қизил*), одамга нисбатан (*қора сариқ*), отга нисбатан (*қора тўриқ*) истифода этилади. Шунингдек кишиларнинг ранг-туси, хатто исми маъносида ҳам мазкур ранг номи ишлатилади. Ҳатто уларнинг сифатини белгидашда, лақаб маъносида ҳам келиши мумкин: *қора йигит*, *қора бола*, *қора қиз*, *Қоровой*, *Турсун қора* в.х. Ўзбек шеваларида бу сўз *қора*, *қара*, *гара*, *қаро* шаклларида ишлатилади.

Мазкур сўзнинг “қаро” тарзида ишлатилиш кўпроқ поэтик нутққа хос:

Кўзинг не бало қаро бўлубтур

Ким, жонга қаро бало бўлубтур. (Алишер Навоий)

Поэтик нутқда “қора” сўзининг семантик маънолари чексиз. Мумтоз шоирлар мазкур сўзни ҳар хил нарсалар, воқеа ҳодисалар, ҳолатларни ифодалаш учун баъзида яқка ҳолда, баъзан бирикма шаклида истифода этганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Навоий ғазалиётида бу сўз ўз маъносида ҳам, кўчма маъноларда рухий ҳолатни ифодалашда ҳам кенг ишлатилганлигини кўрамиз. Шу билан бирга, унинг бошқа тиллардаги вариантларидан (*сиёҳ*, *савод*, *асвад*), от туркумидаги сўзлар воситасида (*тун*, *шом*, *соч*, *хол*, *киприк*, *муҳжжа*, *зулф*, *мардум*, *куя*, *мўм*, *сақич*, *нефт*) маъновий синоним сифатида ишлатилганлигини билиш мумкин. Шунинг таъкидлаш ўринлики, Алишер Навоий лирик шеърлари, “Хамса”сида бу сўзнинг турли вариантларига дуч келинадик, ҳаммасида ҳам *қора ранг* маъносини туйиш тўғри бўлмайди. Б.Бафоев мазкурни тўғри белгилаган ҳолда, қуйидагиларни қайд этиб ўтади: “Одатда, назмиётда ранг номларини ифодаловчи сўзлар кўчма маъноларда вазифа бажаради. Лекин улар ўрни-ўрни билан ўзларининг бош маъносида ҳам келади. Шундай бош маънода, яъни ”қора ранг, қора, сиёҳ” маъносида:



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Рукъаси жисмимга жон берди, қаро ичра магар,

Оби ҳайвон томузиб, чекмиш хати арқомини”. [1, 2, 191]

Демак, поэтик нутқда “қора” сўзининг истифода этилиши ва улар англатган маънолар билан ўқувчиларни таништира бориш ранг-тус билдирувчи бошқа сифатларнинг коннотациясини янада чуқурроқ англаш имконини беради. Шунга кўра, ушбу жадвални ҳавола этишни лозим деб биламиз. Бунда “қора” сўзининг от туркумидаги сўз билан синтактик алоқага киришиб, турли предметлар рангини аташ учун хизмат қилганини ҳам ёки кўчма маънода истифода қилинганини ҳам кўрамиз:

Қора тун, дудга бурканган тана, гавда маъносида	Эмас бошимдин аёқ оҳ дуди бирла қаро, Фироқ дашти самумида бўйла чуркандим. [1,5,414]
Мотам маъносида (қаро дастор)	Қаро дастор то чирмади моҳим, Бошимга чирмашибдур дуди оҳим. [1,1,389]
Қабр маъносида (қаро ер)	Қуёш дамин ола олмай, кириб қаро ерга Йиқилди, ҳуснда гўё юзинг била талошуб. [1,4,60,]
Севгилининг қора ва чиройли кўзи (қаро нарғис)	Бири вўсма бирла сурма рангидин кўк тоқини Офатингизу қаро нарғисни фаттон айлабон. [1,6,454,]
Мотам маъносида (қаро либос)	Оҳ дарди бирла тожу ашк қонидин либос Ки, қаро, бу ол, ул янглиғким, ул бебокмен.[1, 3,459]
Қайғули тун, мотам кечаси маъносида (қаро тун)	Шом субҳ истаб қаро тун ичра эрдим шукрким, Жилва айлаб, шоми зулфин айлади помол субҳ. [1,3,104]
Мусибат, мотамли бўлди маъносида (қаро тўн)	Кўзим тийра, яъни эй Навоий, Қаро тўн кийди мотам ичра шоҳим. [1,6,389]
Севгили, маҳбуб олдида гуноҳкор (қаро юз)	Холдек юзим қаро, гар тўлғамен рухсоридин, Гар кўзимнинг мардумин рухсориға хол эткамен [1,2,470]



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Қийналган, азобланган жон маъносида (қаро жон)	Кўз саводидин қаро жон саҳфасин қилдим варақ, Бу икининг рашкиндур гар санга ёзмок битик. [1,4,331]
Зўр, тенгсиз қайғу маъносида (қора қайғу)	Тешилди хаста кўнгил, ишқ тийғи эткоч зўр, Киран анга қора қайғу сипоҳи ўйлаки мўр. [1,1,140]
Уятли, ҳижолатли, шарманда маъносида (юзи қаро)	Кўзга чу дермен”Эй тардоман, юзи қаро, Сандин ўлмиш телба кўнглумнинг балоу ваҳшати”. [1,5,597]
Омадсиз, толесиз ҳаёт, турмуш	Гар ёмон ҳолимға кўз солмас, ажаб йўқким, эрур Ул қаро кўзлар қаро бахтли масаллиқ уйқучи. [1,2,600]
Оғир ташвиш, бадбахтлик, мудҳиш ғам	Ҳажр шомидин осиб гардун қаро қиз бўйниға, Субҳ чок айлаб яқо ҳолимға шеван қилдилар. [1,4,149]

Ҳазрат Навоий шеърятда “қаро” сўзнинг бошқа коннотатив маънолари ҳам бисёр: маҳбуба, ёр, севгили маъносида синекдоха қилиб (*кўзи қаро*), худди шу маъно ва усулда (*кўзу қоши қаролар*), кўз чиройи маъносида (*кўз қароси*), кўз қорачиғи маъносида (*кўзим қароси*), кўзнинг қоралиғи, қоракўз маъносида (*кўз қароси*) ва ҳоказо. Шунингдек, яна кўчма, матний синоним маъносида аламли, ташвишли маъносида (*бу маҳзунни чиқармай рўзгор онинг қаросидин*), доғ, белги маъносида (*ҳар бири бир лолаедурким, қароси йўқ онинг*) ҳам қўлланган. Бу сўзни такрор ишлатиб ҳам маънони кучайтиришга эришган: *Қаро-қаро* мужа ҳанжарларни эшитмак ишинг каби. Ва яна ушбу сўз ёрдамида қўшма феъллар, от кесимли бирикмалар ҳам ясай билган: *қаро айламадим, қаро бўлди*. “*Қаро истамас*”, “*қаро киймиш*”, “*қаро кўргач*” бирикмаларида бу сўзни от вазифасида истифода этганлигининг шоҳиди бўлиш мумкин.

Шуни хулоса сифатида эслатиб ўтишни лозим топамизки, ранг-тус билдирувчи сифатларни филологик таълимда ўрганганда, унинг грамматик белгиларидан ташқари, семантик ва стилистик белгиларига эътибор бериб машғулотларни ташкил қилиш бир қатор муваффақиятлар гарови бўлиб



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

хизмат қилади. Биринчидан, ўқувчилар тилимизнинг нақадар бой ва пурмаъно эканлигини англаб етадилар. Иккинчидан, аждодларимиз ишлатган ва бугунги кунда муайян сўзнинг вариантлари истеъмолда бўлиб, ўзи архаизм ёки историзм айланганлигидан шоҳид бўладилар. Учинчидан, муайян сўзнинг турли диалектларда турлича ишлатилишини билиб оладилар. Тўртинчидан, муайян сўз қариндош тилларда қай тарик шакл олганлигини англаб етадилар. Бешинчидан, муайян сўзнинг поэтик нутқда қай тарика ишлатилиб келинганини англаб етадилар ҳамда поэтик матннинг лисоний маъноларини англаб етишга мушарраф бўладир. Энг муҳими эса, она тили дарсларининг жонли, қизиқарли ва фойдали бўлишига эриша оладилар

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий, МАТ, 20-жилдлик. 1-6-жилдлар. – Т.: Фан, 1989-1992 й.й.
2. Махмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. I-III томлар. – Т.: Фан, 1961-1963й.й.
3. Содикова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Т.: Фан, 1974. – Б.128.
4. Бафоев Б. Навоийнинг сўз қўллашдаги маҳоратининг яна бир қирраси. // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. –Т.: Фан,1993. – Б.184-207.

